

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Тўрткўл туман Халқ таълими бўлими мудир

ўринбосари И.Кутлиев

« 29 » Сентябрь 2022 йил

Тўрткўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли мактабини жорий таъмирлаш учун энг яхши таклифларни танлаб олиш бўйича ўтказилган

151143/1 сонли мажлис баённомаси

Катнашувчилар:

Комиссия раиси:

И.Кутлиев-

Тўрткўл туман Халқ таълими бўлими мудир ўринбосари, комиссия раиси
товар моддий бойликлар бўйича Ҳисобчи

Комиссия котиби

Р.Уразбаев

Комиссия аъзолари:

Ғ.Хамраев

-Бош ҳисобчи ўринбосари, комиссия аъзоси

Н.Меретов

Бош иқтисодчи, комиссия аъзоси

А.Султанов

ёрдамчи иқтисодчи, комиссия аъзоси

Х.Аллабергенов

Қурилиш бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

Кун тартиби:

Тўрткўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли мактаб энг яхши таклифларни танлаб олиш комиссияси раиси **И.Кутлиев** мажлисда танлов комиссиясининг 5 аъзосидан 5 киши қатнашаётганлигини айтиб ўтиб танлов комиссияси мажлисини очик деб эълон қилди.

Ушбу танлов бўйича 2021 йил 22 апрелдаги Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунинининг 58-моддасига мувофиқ энг яхши таклифларни танлаб олиш танлов ўтказилиши ҳақидаги эълон танлов катнашувчиларининг таклифларини қабул қилиш муддати 5 кун олдин бюджет ташкилоти томонидан махсус ахборот порталига (etender.uzex.uz) 2022 йил 15 сентябрь кунини №22110012151143 лот бўйича ва 2022 йил 26 сентябрь кунини №151143/1 сонли баёнома бўйича ҳеч қандай эътироз келиб тушмади.

Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида” Қонун талабларига ва юқоридаги кўрсатилаган маълумотларни ҳисобга олиб танлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И :

1. Тўрткўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли мактаби жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш бўйича ўтказилган танлов ҳужжатларидан ҳамда танлов шартлари бўйича энг яхши таклифларни таклиф қилган ва танлов голиби деб **“Bek Qurilish” МЧЖ 37 079 491 сўм (ҚҚС билан бирга)** шартнома тузилсин.


2. Танлов голиби танлов шартлари асосида шартнома тузишдан бош торган тақдирда шартнома тузиш ҳуқуқи кейинги катнашувчи (резерв) қилиб **“To`rtko`l Samad Standar Qurilish” МЧЖ** белгилансин. Бунда Голиб катнашувчи таклиф қилган суммасидан ошмаган миқдорда шартнома тузиш мумкинлиги белгилаб кўйилсин.

3. Қонун талабларига мувофиқ танлов қатнашувчиларининг таклифларни кўриб чиқиш ҳамда баҳолаш муддати таклифларни бериш тугашидан 10 кун муддатдан охиб кетиши мукин эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин.


4.Ташкилотнинг бош ҳисобчиси **Ш.Асмагуллаев** танлов якуни бўйича голиб билан шартнома ҳужжатларини тайёрлаш ҳамда шартнома тузилгандан кейин 3 иш куни ичида тегишли ахборот порталига (etender.uzex.uz) жойлаштириш тошширилсин.

5.Танлов комиссияси котиби **Р.Уразбаев** ушбу танловга тегишли барча ҳужжатларни белгиланган тартибда сақланиши таъминлансин.

Комиссия раиси:

И.Кутлиев  Тўрткўл туман Халқ таълими бўлими
муdiri ўринбосари, комиссия раиси


Комиссия котиби

Р.Уразбаев  Товар моддий бойликлар бўйича ҳисобчи

Комиссия аъзолари:

Ғ.Хамраев  -Бош ҳисобчи ўринбосари, комиссия аъзоси

Н.Меретов  Бош иқтисодчи, комиссия аъзоси

А.Султанов  Ёрдамчи иқтисодчи, комиссия аъзоси

Х.Аллабергенов  Курилиш бўлим бошлиғи, комиссия аъзоси

Объектни фойдаланишга тайёр ҳолда жорий таъмирлашга доир пудрат шартномаси

2022 й. «30» 9

548-13-190-
ХТ/2022-сон

Тўрткўл тумани.

Тўрткўл туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда “Буюртмачи”) номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи Д.Атаджанов, бир томондан, кейинги ўринларда “Ижрочи”) номидан Устав асосида иш кўрувчи директор А.Раимов, иккинчи томондан, “**Bek Qurilish**” Маъсулияти чекланган жамияти қуриш ва топшириш бўйича шартномани (кейинги ўринларда – шартнома) қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

1.1. Мазкур шартномада қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги ва айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги ҳамда, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Ижрочиға берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ бошқа талаблар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар-“Ижрочи” томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

танлов баёни – Тўрткўл тумани Халқ таълими танлов комиссияси томонидан 2022 йил “26” сентябрь куни ўтказилган ва расмийлаштирилган 151143-сонли йиғилиш баённомаси;

2. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

2.1. Мазкур шартномага мувофиқ, Тўрткўл тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 35-сонли мактабни жорий таъмирлаш шартларида қуриш ва топшириш, Буюртмачи Ижрочига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва келишилган тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

2.2. Шартнома доирасида Буюртмачи Ижрочига қуйидаги ҳуқуқларни беради:

қўп квартирали уйларни қуришда лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида белгиланган қурилиш меъёрларга асосан қурилиш ишларини бажариш

2.3. Ижрочи бажарилган қурилиш ишлари бўйича зарур далолатномаларни ўз мутахассислари томонидан текширади ва қабул қилади. Бунда, буюртмачига бажарилган ишлар экспертизадан ўтказилган лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида ҳажм (майдон) ва сифат бўйича топширилади.

3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартномани умумий суммаси 37 079 491 (Уттиз етти миллион етмиш тўққиз минг тўрт юз тўқсон бир) сўмни ташкил қилади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи томонидан бажарилган, танлов баёнига мувофиқ тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда қуйидаги белгиланади:

Ташкилот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Жами
35-сонли мактаб	Услуг	1	37 079 491	37 079 491

3.3. Тарафлар белгилайдики:

3.4. Буюртмачига тегишли қисми бўйича ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

Қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

3.5. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги шартномага қўшимча келишув билан расмийлаштирилади.

4. ИЖРОЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Ижрочи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ кўрсатилган муддатда топшириш;

___ - иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш, куриклаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш ҳамда қурилиш майдонидаги бино ва иншоотларни ўз хисобидан бошқа жойга қуриб бериш;

Буюртмачини Ижрочи томонидан қурилиш ишлари давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдони кўриқланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Ижрочи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкӣ жавоб беради.

4.3. Биноларни қурилиш ишлари битказилиб топширилгандан сўнг бир йил кафолат муддати Ижрочи зиммасига юклатилади.

4.4. Ижрочи норматив ҳуқуқий ҳужжатларга асосан объектда лойиха олди ҳужжатлар (топосиёмька, геология хизматлари, экология харажатлари, махсус автоҳўжалик хизмати, лойиха смета ҳужжатларини тайёрлаш харажати, Давлат экспертиза хулосаси, ҳудудий қурилиш назорат инспекцияси хизмати, муаллифлик назорати) билан боғлиқ хизматларини

бажариш ҳамда тўловларни амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.5. Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Ижрочи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш учун малакали ҳамда ваколатли мутахассис жалб этиш ва Ижрочидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __ - иловага мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Ижрочига бериш;

Ижрочининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

Биринчи бадал пулини ходимларга хонадонлар ажратилгандан кейин тўлов қобилиятдан келиб чиқиб банк орқали ёки нақт пул кўринишида Ижрочига молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 2 ой давомида Ижрочига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайтдан бошлаб;

кейинчалик ЭАВ (эркин алмаштириладиган валюта)га конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга кирилади.

6.2. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти қурилишга рухсатнома олинган кундан бошлаб ташкил этади.

6.3. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Шартнома доирасида қуйидаги тартибда ҳисоб китоб амалга оширилади.

7.2. Ижрочи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объект мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши ҳавфи Ижрочининг зиммасида бўлади.

7.3. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Ижрочи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Ижрочи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Ижрочи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Ижрочи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Ижрочи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Ижрочи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 6-бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Ижрочи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Ижрочининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни жойлаштириш учун Ижрочига

геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Ижрочи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Ижрочи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.9. Ижрочи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.10. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Ижрочи амалга оширади.

8.11. Қурилиш майдонида амалга ошириладиган барча ишларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва экспертиза хулосасини олиш билан боғлиқ харажатлар Ижрочи томонидан молиялаштириш амалга оширилади.

8.12. Ижрочи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, техник регламентларга ёки стандартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Ижрочи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Ижрочи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишнадзорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15. Ижрочи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Ижрочи

Буёртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитилмаган ишларнинг исгалган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Икромчи Буёртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буёртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.17. Агар Буёртмачи Икромчи ва (ёки) унинг субподратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажаришганлигини аниқласа, у ҳолда Икромчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмастан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қилинган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Икромчи сифатсиз бажаришган ишларни қилинган муддатларда тузата олмаसा, Икромчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буёртмачига тўлайди.

8.18. Икромчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни сугуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш аялатини белгиланган жойга чиқариб ташлайди.

8.19. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Икромчи ишларни бажариш дафтарида юритали. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буёртмачи ва Икромчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тавом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинлиши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмамлиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) аниқ эттирилади.

Агар Буёртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Икромчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Икромчи дафтарда Буёртмачи томонидан асосли равишда кўрсатишган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1. Икромчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буёртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар,

асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулкларни зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

9.2. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Ижрочи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

10.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

11. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

11.2. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Ижрочининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 15 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

11.3. Ижрочи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг 5-бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини (давлат хайати қабул далолатномаси, объектни фойдаланишга топшириш тугрисида хоким қарори) беради. Ижрочи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

12. КАФОЛАТЛАР

12.1. Ижрочи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш - учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, техник регламентлар ёки стандартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объектнинг кафолатли муддати камида 12 ой этиб белгиланади.

12.3. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади, нуқсонлар Ижрочи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Ижрочи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Ижрочи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва тугалланмаган ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг 7-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Ижрочидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.4. Ижрочи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш қурилиш ишларини назорат қилишда ваколатли органлар томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича туманлараро иқтисодий судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

13. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1. Буюртмачи: шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Ижрочи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Ижрочининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Ижрочи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Ижрочи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.2. Ижрочи:

ишларнинг бажарилиши Ижрочига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Ижрочининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Ижрочига тўлайди.

13.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

14. ТАРАФЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда айбдор тараф:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.2. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

14.3. Ижрочи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганини учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект бўйича шартноманинг жорий қийمатининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорида пеня тўлайди.

Пеня тўлаш Ижрочининг ишларни бажаришининг ёки хизматлар кўрсатишининг кечиктириш туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.4. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилиш назорат" инспекциясининг ҳудудаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортгани шунингдек Ижрочидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

14.5. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

14.6. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

15. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Мазкур шартномани тузилиши, унинг шартларининг ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши ва ҳақиқийлиги юзасида келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар тарафлар томонидан ўзаро музокаралар орқали ҳал этилади. Музокара орқали ижобий натижага эришилмаган ҳолда, низолар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида белгиланган тартибда суд органлари орқали ҳал этилади.

16. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, шартномага тегишли бўлган тарафлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, тарафларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Ижрочи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Ижрочи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Ижрочи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Ижрочи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

17. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

БУЮРТМАЧИ:

Тўрткўл тумани Халқ таълими
бўлими (35-мактаб)

Манзил: Тўрткўл тумани Тўрткўл
кўчаси 63-уй

Банк: Марказий банк Тошкент
шаҳар

X/P:100022860352337092100075074

ИНН: 200393535

Тел: 94-900-76-19

ХТБ: мудири

Д.Атаджанов

ИЖРОЧИ:

”Bek Qurilish” МЧЖ

Манзил : Тўрткўл тумани

Банк:Микрокредитбанк Тўрткул
фил.

X/p : 2020 8000 1008 4702 3001

МФО : 00599

ИНН : 305 337 439

Тел : 97-506-17-77



А.Раимов



548-13-190-ХТ/2022-сон шартномага

илова

Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Туман халқ таълим бўлими ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш; товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (давлат органи ёки тақшлотининг номи) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир етишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган ишонч телефони;

1007



ТОМОНЛАР:

Тўрткўл тумани халқ таълими:

Д.Атаджанов



YURIDIK AHAMIYATGA YEGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma

2.Loyihaning nomi: Ob'ektlarni foydalanishga tayyor holda joriy ta'mirlashga doir Pudrat shartnomasi.

3.Loyihaning mazmuni: Mazkur loyihada To'rtko'l tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan "Bek Qurilish" ma'suliyati cheklangan jamiyati bilan 37.079.491 so'mlik To'rtko'l tumani Xalq ta'limi bo'limiga qarashli 35-sonli maktabni joriy ta'mirlash shartlarida qurish va topshirish to'g'risida shartnoma tuzish belgilangan

4.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: To'rtko'l tuman Xalq ta'limi bo'limi tomonidan 2022 yil 27 sentyabr kuni ishlab chiqilgan va 2022 yil 28 sentyabr kuni dasturga kiritilgan.

XULOSA:

Ushbu shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasi joriy qonunchiligi, xususan, O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksihig 354 moddasi va O'zbekiston Respublikasi 1998 yil 29-avgustdagi «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'grisida»gi O'zRQ-670-1-sonli qonunining 10-13, 25, 26, 32 moddalariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi 2021-yil 22 apreldagi "Davlat xaridlari to'grisida»gi O'zRQ-684-sonli qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 14 sentyabrdagi "Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish hora-tadbirlari to'grisida»gi 6313-sonli Farmoni talablariga mos ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

To'rtko'l tuman Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuriskonsulti:



N.Abduraxmanova
2022 yil 30 sentyabr